## • АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА

**Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига чиқиши ҳаётимизнинг барча соҳаларида қатор янги ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ўзгаришлар фақат бозор иқтисодиётига ўтиш ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий, халқаро муносабатлар соҳасидагина эмас, балки маънавият, маданият маслаларида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.**

# БУЮК ИЛМИЙ МЕРОС

Бу жиҳатдан Президентимиз Ислом Каримовнинг сўнгги йилларда маънавият, миллий маданиятимиз, маданий меросимиз ва қадриятларимизни чуқур ўзлаштиришга қаратилган эътиборининг кучайиб бориши маънавий янгиланиш, янги тафаккур эгаларини яратишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Президентнинг махсус Фармонлари асосида Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, аз-Замахшарий, Амир Темур юбилейларининг ўтказилиши тарихга янгича ёндашув, миллий онг, миллий ғурур, келажак маънавий юксалишига ишонч ва унга эришув йўлидаги фаоллик озуқаси ҳамдир.

Президентимизнинг «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони маданиятимиз тарихини янада чуқур ўрганиш билан бирга республикамизда илм-фан ривожи, унинг янгиланаётган маънавиятимиздаги ўрни ва ролини оширишга қаратилгандир.

Юксак маданиятга эга бўлган, маънавий бой жамиятгина ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий юксалишга эриша олади. Ўтмиш донишмандларига бағишланган тадбирлар, маънавий меросимизни ўрганишга қаратилган қатор қарорларнинг умумий мазмуни, йўналиши, руҳи шуни тақозо этади.

Яқинда ватандошимиз, буюк олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Бу қарор маданиятимиз тарихининг қанчалик бой ва ранг-баранг эканлигини яна бир карра намоён этади.

Қарорда қатор ташкилотларга ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий марказ билан биргаликда IX асрдаёқ ўз халқи маънавий қудрати, маданий имкониятини жаҳонга машҳур этган она юртимиз фарзанди Аҳмад ал-Фарғоний таваллудини нишонлаш юзасидан қатор тадбирларни амалга ошириш юклатилади. Қарорга биноан 1998 йилнинг октябрь ойида «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий конференция ва тантанали байрам тадбирларини ўтказиш, олимнинг асарлари, у ҳақида рисола, мақолалар нашр этиш, махсус ҳужжатли фильм яратиш, телевидение ва радио орқали кўрсатув ва эшиттиришлар уюштириш мўлжалланган.

Ҳақиқатан ҳам Аҳмад ал-Фарғоний ўз фаолияти, илмий изланишлари, асарлари билан жаҳон илмида сўнмас из қолдирган, бутун мусулмон Шарқи ва Овруподаги аниқ ва табиий илмларнинг бошланиши — ибтидосида турган, унинг йўналишини аниқлаб берган улкан истеъдод эгаси, ўз соҳасининг беқиёс олимидир.

Унинг номи IX асрдан бошлаб бутун мусулмон Шарқида, XII асрдан бошлаб Оврупода кенг маълум бўлди.

Астрономия соҳасидаги рисолалари Шарқдагина эмас, Оврупо дорулфунунларида ҳам дарслик сифатида фойдаланиб келинди. Оврупода китоб нашр этиш ихтиро этилганида Фарғоний рисоласи энг биринчи нашрдан чиққан асарлардан бўлди.

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Каср ал-Фарғонийнинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Унинг номи-нисбаси Фарғона водийсида туғилиб ўсганлигидан далолат беради. Бу даврда Моварауннаҳр, жумладан, Фарғона водийси ҳам араб халифалигига қарам эди.

Аҳмад ал-Фарғоний VIII аср охирларида туғилиб, аввало ўз ватанида, Марвда, сўнг Бағдод, Дамашқ, Қоҳира шаҳарларида фаолият кўрсатди. IX асрнинг бошларида Бағдодга кўчади, чунки бу даврда Бағдод халифаликнинг муҳим маданий-илмий маркази сифатида маълум ва унга халифаликнинг турли ўлкаларидан келган олим-фозиллар тўпланган эди.

Айниқса, ал-Маъмун (813-833) даврида Бағдодда унинг отаси Ҳорун ар-Рашид (786-809) асос солган бой кутубхона ҳамда «Байт ал-Ҳикма» — «Донишмандлар уйи»нинг фаолияти равнақ топади. Ал-Маъмун Марвда отасининг Моварауннаҳр ва Хуросондаги ноиби бўлган йиллариёқ ўз атрофига ерли билимдон кишиларни тўплай бошлаган эди. У Бағдодга кўчиб келганда Моварауннаҳр ва хуросонлик олим-фозилларни ҳам ўзи билан олиб келди, уларнинг айримлари эса кейинчалик келиб, «Байт ал-Ҳикма» ишида фаол қатнашдилар. Маъмун илмий ишларни ривожлантириш учун имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қилди. Бу илмий марказда Моварауннаҳр ва Хуросондан чиққан жуда кўп олимлар муҳим роль ўйнадилар. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Марвозий, Аббос ибн Жавҳарий, ота-бола Марварудий кабилар шулар жумласидандир.

Маъмун илмий марказида қадимги юнон олимларининг асарларини арабчага таржима этиш ва шарҳлаш, астрономик жадваллар тузиш, расадхонада кузатишлар олиб бориш, астрономия, математика, жуғрофия, физика каби соҳаларда табиий-илмий изланишлар ўтказишга муҳим аҳамият берилар эди. Аҳмад ал-Фарғоний бу изланишларда фаол иштирок этди. У аввал Бағдоддаги расадхонада иш олиб борди, сўнг Маъмун топшириғига биноан Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳаракати ва ўрнини аниқлаш бўйича, янгича «Зиж» яратиш ишларига раҳбарлик қилди.

У юнон астрономлари, жумладан, Птоломейнинг «Юлдузлар жадвали» асаридаги маълумотларни қайтадан кўриб чиқиш ҳамда ўша даврдаги барча асосий жойларнинг жуғрофий координатларини янгидан аниқлаш бўйича олиб борилган улкан тадқиқот ишида фаол иштирок этди. Шу муносабат билан араб тилидаги илмий терминология, хусусан астрономия, жуғрофия, математикага оид илмий терминларни белгилаб чиқишдек муҳим ишларни амалга оширишда ҳам ал-Фарғонийнинг фаолияти ниҳоятда қимматлидир.

Булардан ташқари, ал-Фарғоний айрим астрономик асбобларни ихтиро этишда, астрономияга доир араб тилидаги бошланғич билимларни белгилаш ва тартибга солиш ишларига ҳам катта ҳисса қўшди. Умрининг охирида ал-Фарғоний Мисрда олиб борилган илмий изланишларда иштирок этиб, Қоҳирадаги Нил дарёсининг сувини ўлчайдиган асбоб яратди. Ал-Фарғоний узоқ умр кўриб, 865 йиллар атрофида вафот этган, деб тахмин қилиш мумкин.

Ал-Фарғоний ўзининг илмий фаолияти, астрономия, жуғрофия, математика илмининг энг буюк вакилларидан бири сифатида фан тарихида ўчмас из қолдирди.

Турли тарихий манбалар ва сўнгги тадқиқотларда ал-Фарғонийнинг қатор асарлар ёзиб қолдиргани қайд этилади, жумладан, «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» — бу асар «Астрономия асослари ҳақидаги китоб» номи билан ҳам маълум бўлиб, у 1145 йилдан бошлаб лотин тилига таржима этилиб, Европада ал-Фарғонийга шуҳрат олиб келди. Бу асар Оврупо дорулфунунларида дарслик сифатида фойдаланилиб, замонасининг астрономия ҳақидаги энг муҳим ва зарур бўлган билимларини ўз ичига олади. Унинг жуғрофияга оид бўлими Ер юзидаги мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақидаги энг бошланғич ва зарурий билимларга бағишланган бўлиб, «Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқлимдаги нарсалар ҳақида» деб аталади.

Асарда астрономия ва жуғрофия илмларининг асосий мазмуни, предмети, вазифалари ва қисмлари ниҳоятда тушунарли далиллар асосида баён этилади. Масалан, ал-Фарғоний Ернинг думалоқлигини шундай далиллар билан исботлайдики, улар ўз илмий қимматини ҳали ҳам йўқотмаган: бир хил осмон ёритқичларининг ҳар хил вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу тутилишнинг ҳар хил жойдан турлича кўриниши, масофалар ўзгариши билан улар кўринишининг ўзгариши ҳақидаги мулоҳазалар шундай далиллардандир.

Хуллас, ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақидаги китоб»и ўрта аср мусулмон Шарқи мамлакатларидаги, сўнг Испания орқали Оврупо мамлакатларидаги астрономия илмининг ривожини бошлаб берди, дейилса хато қилинмаган бўлади.

Қадимги юнон илми, жумладан, астрономик илмлар ҳам биринчи бор арабчадан қилинган рисолалар орқали маълум бўлди. Юқорида кўрсатилган «Астрономия асослари ҳақидаги китоб»дан ташқари ал-Фарғоний «Астролябия ҳақида мукаммал китоб»ини яратди. Бу асарда ҳали ҳеч ким томонидан муфассал ва махсус ёритилмаган астролябия асбобининг тузилиши, унинг вазифалари ва шунга ўхшаш масалалар ёритилган.

Шунингдек, «Ўттиз бобдан иборат Мажастийга (Птоломей Зижи) кириш фасллари китоби» асари, «Етти иқлим ҳисоби», «Ойнинг Ер остида ва устида бўлган вақтларини аниқлаш ҳақида рисола», «(Астрономик асбобларда) мармарнинг хизматлари ҳақида китоб» каби асарлар ҳам ал-Фарғоний қаламига мансубдир. Унинг ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларига оид асари ҳам Беруний томонидан эслатилиб ўтилади.

Бу асарларнинг барчаси араб тилида ёзилган бўлиб, уларнинг нусхалари дунёнинг турли шаҳарларида — Берлин, Лондон, Машҳад, Париж, Теҳрон, Патна, Қоҳира, Санкт-Петербург, Оксфорд шаҳарларининг кутубхона ва қўлёзма хазиналарида сақланади.

Ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақидаги китоб»идан ташқари бошқа асарлари дунё тилларига таржима этилмаган ва кам ўрганилгандир. Буюк олимнинт илмий ютуқлари ва асарлари мусулмон Шарқида, жумладан, Марказий Осиёда астрономия, жуғрофия илмларининг сўнгги ривожига катта таъсир кўрсатди.

Турли манбаларда ал-Фарғоний ўрта аср Шарқининг биринчи ва буюк астрономи сифатида тилга олинади ва сўнгги аср астрономларига катта таъсир кўрсатгани қайд этилади. XV асрнинг машҳур астрономи Улуғбек кутубхонасида Фарғоний асарлари сақланган ва, шубҳасиз, Улуғбек ўз жадвали — «Зиж»ни тузишда ал-Фарғонийдан ҳам фойдаланган. Аҳмад ал-Фарғоний рисоласи 1145 йилда Оврупода Иоган Севильский, 1175 йил Герад Кремонский томонидан лотин тилига таржима этилиб, сўнги йилларда бир неча бор нашр этилди.

1969 йилда машҳур голланд математиги ва арабшуноси Якоб Голиус ал-Фарғоний асарининг арабча матнини янги лотинча таржимаси билан нашр этгандан сўнг, ал-Фарғонийнинг шуҳрати Оврупода янада кучайиб кетди. Ал-Фарғоний номини буюк шоир Данте ўзининг «Илоҳий комедия»сида ал-Хоразмий қаторида зўр ҳурмат билан тилга олади. Ал-Фарғонийнинг астрономия соҳасидаги хизматлари ўрта аср Шарқ тарихчилари Абул-Фараж, ал-Кифти, ибн Надим кабиларнинг асарларида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, араб мамлакатларида сўнгги йилларда нашр этилган илм-маданият тарихига бағишланган китобларда ҳам ал-Фарғоний буюк олим сифатида қайд этилади.

Фан тарихи билан шуғулланган Ғарб олимлари Даламбр, Брокельман, Х. Зутер, рус олимлари И. Ю. Крачковский, И. Ю. Юшкевич, Б. А. Розенфельд кабилар ал-Фарғоний илмий фаолиятини юқори баҳолаганлар.

Ўзбекистонда фан тарихига оид айрим мажмуа ва китобларда ал-Фарғоний илм-маданиятимиз тарихига улкан ҳисса қўшган олим сифатида тилга олинади. Масалан, Ўзбекистон Фанлар Академияси нашр этган Т. Н. Қориниёзий, И. И. Мўминов, Г. П. Матвиевская, А. Носиров, Х. Ҳикматуллаев, А. Аҳмедов кабиларнинг тадқиқотларида ал-Фарғоний илмий мероси ва ютуқларининг айрим масалалари ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Ал-Фарғоний ҳаёти, ижодига минг йиллардан кўп вақт ўтган бўлишига қарамай унинг илмий ютуқлари инсоният маданияти ривожида шу даражада ўчмас из қолдирдики, эндиликда бу буюк ватандошимиз ўз шуҳрати, юксаклиги билан мустақил Ўзбекистонимиз маданиятини бойитиш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда.

Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш билан амалга ошириладиган тадбирлар халқимизнинг, ёш авлоднинг маънавий дунёсини янада бойитиш, ўтмиш меросимизга бўлган ҳурмат ҳиссини тарбиялаш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

**Т. ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси президенти, академик.**

**М. ХАЙРУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, академик.**

# МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА





*Хива шаҳридаги «Хива сополи» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар фақат Ўзбекистондагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам катта шуҳрат қозонган. Айни пайтда бу ерда 150 хилга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Булар сирасига лаган, гулдон, қумғон, турли сопол идишлар, совғабоп буюмлар киради.*

*Хиванинг 2500 йиллик тўйига бағишлаб чиқарилган қатор маҳсулотлар бу сана нишонланаётган кунларда, айниқса, харидоргир бўлди. Уларни шаҳарга ташриф буюрган кўплаб сайёҳлар севиб харид қилишди.*

**СУРАТЛАРДА:** ***мисгар уста Баҳодир Бобожонов; ҳиссадорлик жамияти рассомлари (чапдан) Роза Солаева, Муяссар Сапаева ва Зулхумор Мадаминова иш устида.***

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ТАБИАТ ДАРСЛАРИ

Қарши шаҳридаги 25-болалар боғчаси ходимлари табиат дарсларини дастурга киритдилар. Бундай дарслар бевосита истироҳат боғларида, хиёбонларда ўтказилади. Тарбиячилар болаларга ҳар бир дарахт, кўп йиллик гул кўчатлари ҳақида тушунча берадилар.

Боғча тарбиячиси З. Натфулинанинг таъкидлашича, бу тадбирлар уларда табиатга, атроф-муҳитга бўлган туйғуларни шакллантиради, баркамол ўсишини таъминлайди.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## • БУГУННИНГ ГАПИ

**1998 йил газета ва журналларга обуна муддати тугашига саноқли кунлар қолди. Афсуски бу мавсум Сирдарё вилоятида қониқарсиз аҳволда. 150 та хўжалик, мингдан ортиқ ташкилот, корхона, мактаб, гимназия, коллеж, институтга эга вилоятда бу долзарб иш бугунги кун талабларидан ортда қолиб кетди.**

# МАЪРИФАТ ЭЛЧИСИГА ЭШИКНИ ЁПМАНГ

Барча шаҳар ва туман ҳокимлари, йирик бошқарма ва ташкилот раҳбарлари билан бўлган учрашув ва телефон қўнғироқларига қарамасдан ҳозиргача тди. Шу ўринда Гулистон шаҳридаги шахсий дўкон эгаси Муҳаммаджон Абдуллаевдан «Халқ сўзи» газетасининг сотилиши тўғрисидаги фикрини сўрадик. Унинг айтишича, тушгача бемалол 10 – 15 та газета ўз эгасини топади. Бундан бир неча йил муқаддам вилоятда мавжуд бўлган 50 га яқин газета ва журналлар сотадиган махсус дўконлардан бугунги кунда 38 таси ишлаб турибди. Уларда бир кунда бор-йўғи 100 та «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари сотилар экан. Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Вилоят почта хизмати ҳиссадорлик

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига 50 нафардан зиёд якка шахс ҳамда 400 та корхона ва ташкилотлар обуна бўлишган, холос. Бу кўрсаткич 650 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган вилоят учун мисоли дарёдан бир ҳовуч сувдай гап.

Қатор корхона ва ташкилот раҳбарлари обунанинг суст бораётганлигига маблағ йўқлигини рўкач қилишмоқда. Вилоят молия бошқармасининг бошлиғи Собиржон Шодиев эса обуна учун ҳар бир ташкилот, корхона ва бошқармага маблағ ажратилаётганлигини таъкидлади. Чунончи, 1998 йил газета ва ойномаларига обуна бўлиш учун вилоят халқ маорифи бошқармаси ҳисобига 700 минг сўм пул ўтказилган. Мавжуд 500 га яқин мактабнинг ҳар бирига бу пулни тенг тақсимлагудек бўлсак, уларнинг ҳар бири зўрға биттадан газета ёки журналга обуна бўлиши мумкин.

Яна бир муаммо: вилоятдаги мавжуд 38 та газета ва журналлар сотадиган дўконларда ҳозирги кунда асосан упа-элик, тамаки ва сақичлар сотиш йўлга қўйилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, бу дўконларнинг деярли барчасида «Халқ сўзи» – «Народное слово» ва бошқа газеталар кўпи билан 2-3 тадан келтирилади, холос. Бу нохуш ҳол тўғрисида вилоят матбуот тарқатиш ҳиссадорлик жамияти раиси Рашида Дадабоевага қўнғироқ қилдик. У киши барча иш қонун асосида бўлаётганлиги, газета ва журналларга талаб суст бўлганлиги учун дўконларда бошқа моллар кўплигини айжамиятининг 13 та бўлими, 111 та филиали ва 300 нафар хат-хабар тарқатувчиси бор. Бу жуда катта куч. Агар хат-хабар тарқатувчиларнинг ойлик маошига ёки бошқача усуллар билан моддий манфаатдорлиги оширилиб, уларнинг ҳар бирига 5-10 тадан газета сотиш юклатилганда эди, обунанинг аҳволи бугунги кунда бу қадар афтодаҳол бўлмасди.

Тўғри, газета ўқимишли, тили ширали бўлиши шарт. У ҳаётнинг энг чирсиллаган муаммоларини дадил кўтариб чиқадиган, Истиқлолнинг шахдам қадамларига тушов бўлаётган иллатларга бешафқат болта урадиган қуролдир. Биз комил ишонч билан шуни таъкидлаймизки, «Халқ сўзи» ва бошқа республика нашрлари аста-секин ана шундай оташин, ҳозиржавоб воситага айланиб боради.

Матбуот миллионлар минбаридир. Одамларни бу минбардан марҳум қилишга фақат от миниб оёқ остини кўзловчи шахсларгина журъат қилишади.

Матбуот маърифат элчисидир. Ҳур фикрни, гўзал ва илғор ғояларни, тонгдек ёруғликни елкасига опичлаб хонадонингизга кириб борувчи маърифат элчисига ҳеч қачон эшикни ёпманг.

Бу элчининг сиз билан гаплашадиган гапи, сизга айтувчи ёнар сўзи, яхши ва ёмон кунларингизда ёнингизда турувчи алп қомати бор.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Тошкентдаги омбордан
ҚЎРИҚЛАШ МОСЛАМАЛАРИ ТИЗИМИ
Vinlad
- Ўзбекистонда татбиқ этишга рухсат берилган;
- беш йиллик кафолат;
- замонавий услуб, оддий монтаж;
- оқилона нархлар, сийлов тизими.
C&K SYSTEMS
Монтаж ишлари олиб борувчи ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз.
Vinlad
Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Тел.: (3712) 50-46-13, 50-99-13.
181

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази TACIS лойиҳаси билан биргаликда
Реклама агентликлар ва проффесионал режиссёрларни
ХИФлар дастури бўйича рекламали аудио ва видео роликларни
Чиқариш учун ташкил этилаётган
ТЕНДЕРДА
қатнашишга таклиф қилади.
Буюртмаларни якуний қабул қилиш вақти 12.12.97.
Роликларингиз нусхасини тақдим этинг:
Тошкент, Бухоро кўчаси, 10. ХИФлар дастури бошқармаси
Тел.: 136-76-56, Факс: 136-75-31. Евгений Тен.
241

Тошкент Молия институти ректорати ва профессор-ўқитувчилари жамоаси институт қошидаги «Солиқ ўқув маркази» директори Ғайрат Қудратовга акаси

**Неъмат ҚУДРАТОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Биринчи Тошкент Давлат медицина институти ректорати ва клиника раҳбарияти тиббиёт омборхонаси мудири Акром Акбаровга падари бузруквори

**АКБАР отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент Давлат Медицина институти ректорати ва клиника раҳбарияти жарроҳлик стоматология поликлиникасининг бўлим мудири Г. М. Манукянга турмуш ўртоғи

**Алла СЕРГЕЕВНАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0823, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — О. Раҳимов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6